

5/5 - عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، فِي قَوْلِهِ تَعَالَى: (لَا تُحْرِكُ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ) [القيامة: 16]، قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعَالِجُ مِنَ التَّنْزِيلِ شِدَّةً، وَكَانَ مِمَّا يُحْرِكُ شَفَتَيْهِ، فَقَالَ ابْنُ عَبَّاسٍ: فَأَنَا أُحْرِكُهُمَا لَكُمْ كَمَا كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُحْرِكُهُمَا، فَأَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى: (لَا تُحْرِكُ بِهِ لِسَانَكَ لِتَعْجَلَ بِهِ (16) إِنَّ عَلَيْنَا جَمْعَهُ وَقُرْآنَهُ (17) [القيامة: 16-17])، قَالَ: جَمَعُهُ لَهُ فِي صَدْرِكَ، وَتَقْرَأُهُ، (فَإِذَا قَرَأْتَهُ فَاتَّبِعْ قُرْآنَهُ) [القيامة: 18]، قَالَ: فَاسْتَمِعَ لَهُ وَأَنْصِتْ: (ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا بَيَانَهُ) [القيامة: 19] ثُمَّ إِنَّ عَلَيْنَا أَنْ تَقْرَأَهُ، فَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعْدَ ذَلِكَ إِذَا أَتَاهُ جِبْرِيلُ اسْتَمَعَ، فَإِذَا انْطَلَقَ جِبْرِيلُ قَرَأَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَمَا قَرَأَهُ.

5.5 «Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг **«Сен шошилиб, у билан тилингни қимирлатма»** деган сўзи ҳақида шундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам (ваҳийнинг) нозил бўлиш шиддатидан қийналиб, лабларини қимирлатардилар. - Ибн Аббос айтди: «Мен ҳам сизларга лабларимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қимирлатганлари каби қимирлатиб бераман». Саъид ҳам: «Мен ҳам лабларимни Ибн Аббос қимирлатганини кўрганимдек қимирлатиб бераман», деб лабларини қимирлатди - Ўшанда Аллоҳ таоло **«Сен шошилиб, у билан тилингни қимирлатма. Албатта, у(Қуръон)ни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамизда»**ни нозил қилди. Яъни «уни қалбингда жамлаши, сўнг сен уни ўқишинг» дегани. **«Бас, Биз уни ўқисак, қироатига зехн солиб тур»** - «унга қулоқ сол ва жим эшит» дегани. **«Сўнгра уни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда»** - «сўнг уни ўқишинг ҳам Бизнинг зиммамизда» дегани.

Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил келса, унга қулоқ солиб турардилар. Жаброил кетгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам у ўқигани каби ўқир эдилар».

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг **«Унга (Қуръонга) шошиб, тилингни қимирлатма»** деган сўзи ҳақида шундай деди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам (ваҳийнинг) нозил бўлиш шиддатидан қийналиб, лабларини қимирлатардилар.. - Ибн Аббос менга: «Мен ҳам сенга лабларимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қимирлатганларидек қимирлатиб бераман», деди. Саъид ҳам: «Мен ҳам лабларимни Ибн Аббос

қимирлатганини кўрганимдек қимирлатиб бераман», деб лабларини қимирлатди. - Шунда Аллоҳ азза ва жалла «**Унга (Қуръонга) шошиб, тилингни қимирлатма. Албатта, уни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамиздадир**»ни нозил қилди, яъни «уни қалбингга жо қилиши, сўнг сен уни ўқишинг» дегани. «**Қачон уни ўқисак, унинг қироатига зеҳн солиб тур** - унга қулоқ сол ва жим эшит. Кейин уни ўқишинг ҳам Бизнинг зиммамиздадир. Шундай қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил келса, унга қулоқ солиб турардилар. Жаброил кетгач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам у ўқитганидек ўқир эдилар».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI